

Turkiston

1925-yildan chiqqan
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 9-avgust, shanba
№ 62 (15804)



ЎЗБЕКИСТОН ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ

Инсоният уруш балоси ва тинчлик қадрини шу қадар чуқур идрок этадики, тиллар пайдо бўлган замонлардан буён одамлар бир-бири билан юз кўришганда ҳам, хайрлашаётганда ҳам аввало тинчлик тилайди. Салом — тинчлик, хайр — яхшилик, эзгулик, демакдир. Охири бахайр бўлсин, деган гапни ҳам кўп такрорлаймиз. Зеро, энг мудҳиш ёвузлик уруш бўлса, барча ҳаётини неъматларнинг замири тинчликдир.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунларидан тинчликпарвар ташқи сиёсат юритиб келмоқда. Бу сиёсат аввало Президентимиз Ислам Каримов давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб БМТ минбаридан жаҳон аҳли эътиборини Афғонистонга қаратганида, терроризм ва экстремизмнинг вайронкор хавфи ҳақида огоҳлантирилганида намоён бўлди. Утган асрнинг 90-йилларида хавфсизликка таҳдидлар, уларнинг моҳияти ва туб сабаблари бугунгичалик долзарблик касб этмаган эди. Кейинчалик қатор мамлакатларда юзага келган қалтисликлар, терроризм ва экстремизмнинг халқаро миқёсда фаоллашуви, бошқа таҳдидларнинг майдонга чиқиши Ўзбекистон раҳбариятининг қарашлари қанчалик асосли эканини кўрсатди. Бугун хавфсизлик масаласи ҳар қандай халқаро учрашув, халқаро анжуманнинг асосий мавзуларидан бирига айланган.

Ўзбекистон ҳаммаша ҳар қандай муаммони муроса билан, музокаралар орқали ҳал қилиш тарафдори бўлиб келган. Хусусан, Афғонистон муаммосига тўхталадиган бўлсак, Президент Ислам Каримовнинг бу мамлакатдаги вазиятни фақат ҳарбий куч ишлатиш орқали ўнглаб бўлмаслиги тўғрисидаги фикри бугун халқаро майдонда кенг эътироф этилмоқда. Давлатимиз раҳбари Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун қарама-қарши томонларни муросага келтириш, қатор иқтисодий ва гуманитар масалаларни ҳал қилиш, халқнинг урф-одатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарурлигини таъкидлаб келади. Халқаро экспертлар бу фикрлар тўғрисида эканини қайд этади.

Шу боис Ўзбекистон Афғонистон билан муносабатларни икки томонлама асосда ривожлантириш тарафдори эканини баён этиб келади ва амалда бу ғояни ҳаётга татбиқ этмоқда. Афғонистонда бунёд этилган йўллар, кўприклар, бу мамлакатга етказиб берилаётган электр энергияси ана шундай икки томонлама ҳамкорликнинг ёрқин тасдиғидир.

(Давоми 2-саҳифада)



Элбек Шукуров:

«ЁШЛАРГА ТАЙЁР БАЛИҚНИ ЭМАС, ҚАРМОҚ БЕРИБ, БАЛИҚ ТУТИШНИ ЎРГАТИШ КЕРАК»

«Turkiston» савол беради» лойиҳасининг бу галги меҳмони «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси Элбек Шукуров бўлди. Интервью давомида суҳбатдошимиз фуқаролик жамиятининг асосий «қурилиш материали», «Сардорлар мактаби»ни нега энг фойдали лойиҳа деб ҳисоблаши, бошланғич ташкилотлардан қониқмаслигининг сабаби, «Республика ёшлар ижтимоий хизматлари маркази»нинг бош ғояси, «Камолот» уйлари лойиҳаси орқали Тошкент шаҳрида кимларга тураржойлар бепул фойдаланишга топширилиши, ёш тadbirkorлар дуч келаётган муаммолар, «Ҳоким ва ёшлар» учрашувларига муносабати, жоҳилликни тарғиб қилувчи ўйин ва сайтларга муқобил маҳсулотлар, маҳаллаларда Wi-Fi ҳудудларини ташкил этиш ҳақида гапириб берди.

— 17 ёшда «Камолот»-да фаолиятингизни бошлагансиз. Салкам ўн йил бўлибди. Демак, ёшлар билан ишлаш масаласида анча тажрибангиз бор. Айтинг-чи, «Камолот»чи ўзи қандай характерга эга шахс?

— «Камолот»чи — атрофдагиларга шахсий намуна кўрсата оладиган инсон. Нафақат билими, балки фикрлаш тарзи, юриштириши ва ҳаётини позицияси билан ҳам.

— Ҳаракат тизимида биринчи қадамларни кўяётганда ҳозирги даражага етаман деб ўйла-

ганмисиз?

— Ўша пайтда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатида ишлаш ниятим йўқ эди. Ҳуқуқшунос бўлмоқчи эдим. Шунга қарамай, тақдир мени ёшлар ташкилоти билан боғлади (бундан сира афсусланмайман). Ҳаракатдаги фаолиятимни бошлагандан буён Тошкент шаҳар раиси бўлишга интилдим. Мақсадимга эришишга кўзим етарди-ю, аммо 26 ёшда шу даражага етаман, деб ўйламаганман.

— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳуқуқий мақомига кўра,

нодавлат нотижорат ташкилот. Ўз навбатида, нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамиятини барпо этишда асосий «қурилиш материали» ҳисобланади. «Камолот»чилар, шу жумладан, сиз ҳам ушбу жараёнда бевосита иштирок этайсиз. Қизиқ, сиз «фуқаролик жамияти»ни қандай тушунасиз? Унинг вазифалари нималардан иборат?

— Фуқаролик жамияти деганда мен давлат ўзининг маълум функцияларини жамиятга топширишини тушунам. Чунки де-

мократик давлат ва жамиятни бошқаришда ҳамма вазифани давлат ташкилотлари зиммасига юклаб бўлмайди. Бу нотўғри. Мазкур жараёнда фуқаролар фаол иштирок этишлари зарур. Масалан, жамоат ташкилотлари орқали. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам жамоат ташкилоти. Биз турли соҳаларда ёшларнинг манфаатларини ифода этамиз. Шу боис ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат кўпроқ «Камолот»га таянади. Яна бир муҳим жиҳат, шахсий тажрибамда кўп қузатяпман, бугунги кунда жамиятнинг нодавлат нотижорат ташкилотларга ишончи ортан. Бу эса мамлакатимизда «фуқаролик жамияти» деб аталувчи механизм ишлаётганидан далолат беради.

(Давоми 4-, 5-саҳифаларда)

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

**Ҳаракат қошида-
ги «Ўқув-услубий
марказ» нодав-
лат таълим му-
ассасаси «Камолот» билимдон-
лари» интеллек-
туал ўйинини
ўтказди.**

Мазкур интеллектуал ўйинда Қорақалпоғистон Республикасидаги олий таълим муассасаларининг энг билимдон, зукко талабалари ўзаро беллашди. Олтита жамоа иштирокида ўтган заковат синовида Нукус педагогика институтининг «Зиёли ёшлар» жамоаси вакиллари бор иқтидорини намойиш этиб, голиб бўлди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

**Бўка туманидаги
1-болалар ва
ўсмирлар спорт
мактабида «Аёллар
спорт фестивали»
бўлиб ўтди.**

Туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими, маънавият тарғибот маркази, маданият ва спорт ишлари бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу фестивалда бўкалик хотин-қизлар енгил атлетика, волейбол, стол тенниси бўйича ўзаро беллашди. Мусобақа якунида енгил атлетика бўйича туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси М.Баянова биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, волейбол бўйича тиббиёт бирлашмаси терма жамоаси голиб бўлди.

СИРДАРЁ

**Вилоят «Камалак»
болалар ташкилоти
сардорлар кенгаши
аъзолари ҳамда
сардор бўлишни
хохловчи ўқувчилар
учун «Сардор бўлиш-
га тайёرمىсиз?»
мавзуида семинар-
тренинг ўтказди.**

Унда сардор бўлишни истаган ўн беш нафар фаол ўқувчи иштирок этди. Етти кун давом этган ўқув-семинарида «Камалак» болалар ташкилоти фаолияти, аъзоликдан чиқариш, семинар-тренинг ўтиш маҳорати, нотиклик маданияти, тезкорлик ва чаққонлик, акция ва лойиҳаларни намунавий ташкил этиш тартиби, иш режа ва ҳисоботлар, компьютер саводхонлиги ва слайдлар яратиш каби мавзуларда ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлар олиб борилди. Бўлажак сардорлар ўртасида интерфаол ўйинлар ҳам ташкил этилди. Семинар сўнигида иштирокчиларнинг билими синовдан ўтказилиб, натижалар эълон қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Тинчликпарвар сиёсат турли ҳарбий блокларга қўшилмаслик ғоясида ҳам яққол намойён бўлади. Зеро, мохиятан қандай асосда тузилган бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай блок қайсидир давлат ё давлатлар гуруҳига қарши қўйилади. Иккинчи жиҳати эса ҳарбий блок муайян даражада мамлакат мустақиллигига даҳл қилади. Чунки бошқа давлатлар қаторида ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш мажбуриятини юклайди. Ўзбекистон ҳарбийлари мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини ҳимоя қилади, чегараларимиз даҳлсизлигини таъминлайди. Бу мақсадлар

блоклар доирасидаги вазифалардан кескин фарқ қилиши эса барчага аён.

Уруш ҳаммага жуда оғир солиқ солади, бу солиқни эркак қон билан, аёл кўз ёши билан тўлайди, дейдилар. Бир оила бошига тушган мусибатнинг ўзи қанчалар аянчли. Шу нуқтаи назардан қараганда, бутун мамлакатнинг мусибати ночоғли катта фожиа бўлишини тасаввур қилиш ҳам мушкул. Бугун Сурия, Ироқ ёки Ливияда, МДХ маконидаги айрим минтақаларда оддий одамлар қандай даҳшатли ўй-хаёллар, қандай оғир ташвишлар билан ҳаёт кечираётганини эшитган-кўрган ҳар қандай одам боши узра мусаффо осмонни кўриб шукрона айтади.

Тинчлик — гоят кенг ту-

шунча. Мамлакатда ички барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистон тинчликпарвар сиёсатининг алоҳида йўналишидир. Биз шахар ё қишлоқ, ёруғ ёки қоронғу бўлишидан қатъи назар хавотир ва ҳадиксиз истаган жойимизга борамиз, фарзандларимизни ўқишга, тўғарақларга кузатамиз ва кутиб оламиз. Эртаминг ҳақида ўйлаганда тушкунликка тушмаймиз. Яна неча мамлакатга шундай таъриф бериш мумкин?!

Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки каби йирик халқаро молия муассасалари Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши саккиз фоиздан кам бўлмай келаётганини эътироф этади. Бугун-

ги тараққиёт, бунёдкорлик, фаровонликнинг бош омили ҳам мана шу тинч-осуда ҳаётдир. Айтайлик, сармоядор нотинч ўлка иқтисодиётига пул тикадимми? Ёки бирор мамлакатда бузғунчи сиёсат юритаётган давлат билан савдо қилишга иштиёқ бўладими? Жавоб аниқ — йўқ!

Инсонларни муҳаббат, дўстлик, тотувлик бирлаштиради. Айни пайтда офатга қарши нафрат ҳам одамларни яқинлаштиради. Бугун Ўзбекистон аҳли ўзаро дўстлик, тотувлик билан бир қаторда урушга нафрат, тинчликка муҳаббат билан жипсдир, дейиш учун асослар етарли.

**Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси**

Shukuh

Ҳар бир кун бизни тобора мустақиллигимизнинг 23 йиллик тантанасига яқинлаштирмоқда. Тинч, осуда юртнинг кўрки — тўй-томоша эмасми, айни пайтда байрам муносабати билан жойларда турли кўнгилочар дастур ва тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда шундай шодиёналардан бирига пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида гувоҳ бўлдик.

Амалий кўргазмали семинар Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилди. Унда вазирликнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, театр, музей, таълим муассасалари раҳбарлари қатнашди.

Истироҳат боғида учта маданий тадбирлар ўтказиш саҳнаси бўлиб, улар эл суйган санъаткорлар, шоир, ёзувчиларнинг адабий-муסיқий чиқишлари, болалар томошалари ҳамда концерт дастурлари билан банд бўлди. Биринчи саҳнадаги жажжи болакайлар ижросидаги куй-қўшиқ ва рақслар бу ерга келганларда илиқ таассурот қолдирди. Айниқса, Республика «Баркамол авлод» болалар техник-ижодиёти маркази «Туррон» спортчилар гуруҳининг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди. Ёш спортчилар шотакан каратэ-до, таэквондо бўйича ўзларининг муסיқий дастурларини намойиш этишди. «Angel» гуруҳи қизлари эса миллий шўх қўшиқларга рақсга тушиб, томошабинларни ҳам ўйинга чорлади. Дастур бўйича навбат — «Шаҳзода ва малика» муסיқий композициясига берилди.

— Бу муסיқий эртақда мен шаҳзода

Ўланлар уланди
қўшиқ-куйларга,
Дўстлар, меҳмон бўлинг
бизнинг тўйларга!



ролини ўйнапман, — дейди Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги 46-мактаб ўқувчиси Зиёд Хотамов. — Эртақдаги шаҳзода жуда яхши, юртни одилонга бошқаради. Шу боис салтанатда ҳар кун тўй томоша. Дўстларим билан саройдаги байрамдан бир кўринишни кўрсатдик.

Шундай кўтаринки рух, хуш кайфият иккинчи — ажойиб куй-қўшиқлар янграётган саҳнани ҳам тарқ этмади. Жиззахлик Сайёра Тўраева ижросидаги «Жақида» ўлани олқишларга сазовор бўлди. Самарқанд вилояти Булунғур ту-

манининг «Чавқи» фольклор-этнографик халқ ансамбли дастури эса ўзига хослиги билан кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Буни томошабинлар тилидан янграган «Баракалла! Яша!» деган алқовлардан ҳам сезиш қийин эмас.

— Биз Сурхондарёдан байрамга «Дехқон дала айланди» номли муסיқий композициямиз билан келдик, — дейди Саодат Мухаммадиева. — Юртдошларимиз унутиб қўяёзган шундай миллий қўшиқларни элга етказиш биз, лапарчиларнинг вазифаси эмасми? Бугун саҳнада, гўзал пойтахтимизда лапар айтаётганимиздан жуда хурсандман. Байрам таассуротлари ҳақидаку, айтмаса ҳам бўлади: ҳаммаси зўр! Олтмиш ёшли момонг яна яшараяпти.

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ташкил этилган ушбу амалий кўргазмали семинарда «Биз мустақиллик фарзандларимиз» мавзуида асфальтга расм чизиш танлови ҳам бўлиб ўтди. Боғдаги йўлақлар ранг-баранг тасвирлар билан безатилди.

Тадбир доирасида оилавий тадбиркорлар ва касаначиларнинг бадийий ҳунармандчилик ишлари кўргазмаси, «Китоблар дунёси» савдоси ҳам ташкил этилди.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири**



Kun yangiligi

Мақтабга таъёргарлик бошлангуд

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 10 августдан анъанавий мактаб ярмаркалари очилади. Уларда асосий ўқув қуроллари, дарсликлар, мактаб формаси, кийим-кечак ва пойабзаллар савдосини амалга ошириш кўзда тутилган.



Жорий йилда мактаб ярмаркалари жами 1885та объектда ташкил этилмоқда. Шундан 979таси умумтаълим мактаб-

ларида жойлаштирилган. Улар орқали яқин ҳудудлардаги мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида таъ-

лим оладиган 4,3 миллион нафардан ортиқ ўқувчи ўз харидларини амалга ошириши мумкин. Шунингдек, 398та мактаб ярмаркаси бозорлар, 276таси йирик савдо мажмуаларида фаолият кўрсатади. Олис, борилиши қийин бўлган тоғли ҳамда чўл ҳудудларида истиқомат қилувчи юртдошларимизга янада қулайлик яратиш мақсадида улар учун бир ой давомида 130та кўчма автодўкон хизмат кўрсатади.

Халқ таълими вазирлиги ахборот хизматининг маълумотига кўра, мактаб ярмаркаларида 26 хилдаги маҳсулот сотувга чиқарилмоқда. Уларнинг умумий захираси олти миллион нафар ўқувчининг эҳтиёжини қондиришга етади. Ассортиментда пластилин ва рангли қаламлардан тортиб спорт кийимларигача бор. Уларнинг аксарияти юртимизда ишлаб чиқарилган бўлиб, нархлари ҳамёнбоп.

Мактаб бозорларига тегишли маҳсулотларни етказиб бериш билан Ўзбекистон

матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбекенгилсаноат» компанияси, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси, «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси шуғулланади. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда маҳсулотларнинг сифати ва амалдаги стандартларга мувофиқлигини назорат қилади. Шунингдек, мактаб ярмаркаларида барча турдаги (узкарт, виза, онлайн) тўлов терминалларини ўрнатиш ва узлуксиз ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Нарх-навони сунъий равишда оширишга йўл қўйилмайди. Бу бўйича асосий масъулият маҳаллий ҳокимликлар ҳамда Давлат солиқ қўмитаси зиммасида.

Жойларда ташкил этиладиган мактаб ярмаркаларининг манзилларини www.uzedu.uz сайтида топиш мумкин.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Hududlardan mujdalar

БУХОРО

Вилоят марказидаги «Мовий гулхан» оромгоҳида «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳасининг вилоят босқичи якунланди.

Бу йил ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган 480 нафар ийигит-қиз ўз бизнес лойиҳалари билан мазкур танловнинг туман ва шаҳар босқичларида қатнашди. Энг яхши тузилган бизнес режа муаллифлари эса лойиҳанинг вилоят босқичида иштирок этишди. Улар учун тадбиркорликка доир уч кунлик ўқув-семинар, давра суҳбатлари ҳам ташкил этилди. Мутахассислар кўригидан ўтган ўн нафар иштирокчи: Ислом Шарипов (жундан ип йиғириш), Аббос Файбуллаев (мевани сақлаш), Руслан Аҳмедов (ёғоч ўймакорлиги), Сурайё Халилова (патдўзликни ривожлантириш), Отабек Қиличев (спорт зали), Жўрабек Бобоев («Book kafe»), Азамат Наимов (интенсив иссиқхона), Миразиз Тилапов (бармоқли пайпоқчалар), Муроджон Ахтамов (қуёш панелини ишлаб чиқариш), Фаррух Эргашев (туризм ва хизмат кўрсатиш) танловнинг республика босқичида қатнашадиган бўлди.

НАВОИЙ

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида Навоий давлат кончилиқ институти битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

«Оқ йўл сизга, азиз битирувчилар!» деб номланган тадбирда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов, Навоий кон-металлургия комбинати директори, Навоий давлат кончилиқ институти ректори Қувондиқ Санақулов иштирок этиб, битирувчиларга оқ йўл тилаб, улар олдида турган масъулиятли вазифалар ҳамда кон-металлургия соҳасида ёш кадрларга яратилаётган шароитлар ҳақида гапириб ўтди. Якунланган ўқув йилида 789 нафар талаба бакалаврлик, қирқ беш нафар талаба магистрлик дипломини олишди.

Ўқиш давомида тенгдошларига ўрناк бўлган талабалар дипломи билан бирга ишга жойлашиш учун йўлланмага ҳам эга бўлишди.

ЖИЗЗАХ

«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ҳаракатнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида ўтган ушбу танловда ўттиз саккиз нафар тенгдошимиз қатнашди. Танлов якунига кўра, «Сайилжой» академик лицейи бошланғич ташкилоти етакчиси Элмира Ҳазраткулова биринчи ўринни эгаллади. Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-академик лицей бошланғич ташкилоти етакчиси Гулноза Поччаева иккинчи ўринга муносиб кўрилган бўлса, учинчи ўрин Зомин маиший хизмат ва транспорт касб-хунар коллежи бошланғич ташкилоти етакчиси Акмал Раҳматуллаевга насиб этди.

«Bunyodkor — 2014»

Имконияти эҳтиёжидан баланд ёшлар

Бугун Бухоро вилоятининг барча ҳудудларида янгидан-янги спорт объектлари, кўча ва хиёбонлар, замонавий таълим муассасалари барпо этилиб, кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда. Бунёдкорлик ишларига уста-қурувчилар билан елкамаелка туриб меҳнат қилаётган «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Айни кунда вилоятда эллик иккита «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати тузилган бўлиб, уларда 1147 нафар кўнгилли талаба, касб-хунар коллежи ўқувчилари ҳамда вақтинча ишсиз ёшлар меҳнат қилаяпти. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти кенгаши меҳнатсевар ёшлар учун мунтазам равишда маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ва маданий дам олиш тадбирларини ўтказиб келяпти. Бухоро муҳандислик-техника институтининг юз нафар талабаси «Бунёдкор»чилар сафида.

Улар ўқув юрти ва талабалар турар-жойлари биноларини таъмирлаш ҳамда институтга қарашли беш гектар ерни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига жалб этилган. Бухоро давлат университетининг «Бунёдкор»чилари эса уюшмаган ёшлар билан ҳамжиҳат-

ликда фаолият кўрсатмоқда. Биргаликда ишлаш, кўнгилочар тадбирларда иштирок этиш ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлмоқда.

— Бу йил ўттиз икки нафар қоровул-бозорлик ёшни ўзим раҳбарлик қилаётган корхонага жалб этдим. Улар қурилиш-таъмирлаш, электр жиҳозлари ва тармоқларини монтаж қилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат қиляпти. Улар орасидан келгусида корхонамизда доимий ишлайдиганларини ҳам танлаб қўйганман, — дейди «Аббремватура таъмирсавдо» қурилиш корхонаси раҳбари А. Рўзиев.

Бухоро ва Когон шаҳарлари ҳамда Фиждувон туманидаги «Камолот» уйларини бунёд этишда ҳам меҳнат ҳаракати аъзолари фаол. «Нурафшон ҳамкор қурилиш», «Марсиян плюс» ҳамда «206-ПМК» қурилиш ташкилотлари томонидан

қурилатган мазкур уйларда етмишга яқин уюшмаган ёш ҳамда талаба меҳнат қиляпти.

— Курсдошимнинг ундови билан «Бунёдкор»га аъзо бўлдим. «Камолот» уйлари қурилишида қатнашаётганимдан хурсандман, — дейди Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиали талабаси Ҳасан Ҳамидов.

Таътилни ҳар ким ўзи хоҳлагандек ўтказди. Бухоролик 1147 нафар ёш (уларнинг аксарияти талаба) ёзни ўзлари учун ажойиб меҳнат мавсумига айлантира олди. Бошқача айтганда, улар ўз имкониятларидан самарали фойдаланишмоқда. Меҳнат ҳаракатини ташкил этишнинг ижобий жиҳати, мана, қаерда?!

Лайло ХАЙИТОВА,
«Turkiston» муҳбири

«Yoz — 2014»

Ҳеч ким зерикмайди

Наманган вилоятидаги ёзги оромгоҳларда «Ёзни «Камалак» билан» лойиҳаси изчил давом этмоқда. Вилоят «Камалак» болалар ташкилотининг сардорлар кенгаши фаоллар дам олувчилар учун турли-туман, қизиқарли тадбирлар ўтказишмоқда.

Яқинда сардорлар Янги-қўрғон туманидаги «Камалак» болалар оромгоҳида бўлиш-

ди. Болалар билан давра суҳбатлари, турли мавзулардаги семинар-тренинглари, ин-

терфаол ўйинлар ўтказишди. Тўрақўрғон туманидаги «Ширин» оромгоҳида ҳам болалар «Камалак»чиларни қизгин кутиб олишди. Улар учун ташкил этилган «Камалак»жон, «Камалак» мавзусидаги семинар-тренинг барчага манзур бўлди. Шунингдек, дам олувчилар «Келажақдаги орзуим» мавзусидаги расмлар танло-

вида ўз иқтидорларини намойён этди. Исломбек Мирзаев ва Комила Усмонованинг ижодий ишлари биринчи ўринга лойиқ деб топилиб, муносиб тақдирланди.

Турли танловлар, спорт мусобақаларию турфа лойиҳалар билан сардорлар Чуст туманидаги ёшларни ҳам хурсанд этишди.

Наманган вилоятида «Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳаси давом этмоқда.

Анъасхон МАМАДАЛИЕВ,
Наманган вилояти

Элбек Шукуров: «ЁШЛАРГА ТАЙЁР БАЛИҚНИ ЭМАС, ҚАРМОҚ БЕРИБ, БАЛИҚ ТУТИШНИ ЎРГАТИШ КЕРАК»

(Давоми, аввал 1-саҳифада)

— Тошкент — пойтахт шаҳар. Очигини айтиш керак, бу ерда туғилиб, истикомат қилувчи ёшларда «мен пойтахтликман» деган ортиқча гурур ҳам йўқ эмас. Мана шу кайфиятни иш фаолиятингизда пайқайсизми? Тошкентлик ёшлар, хусусан, «Камолот»чиларнинг алоҳида ажратиб кўрсатишга лойиқ бошқа қандай сифатлари бор?

— Ортиқча гурур ҳақидаги фикрингизга унчалик қўшилмайман. Менимча, бу ҳолат пойтахтлик ёшлар бугун уларга яратиб берилган шaroит ва қулайликлар бирмунча яхшироқ эканини ҳис қилишининг ифодаси бўлса керак. Улар шу қулайликларга ўрганган ва табиийки, ўзини эркинроқ, балки «гурурлик» ҳис қилиши мумкин. Лекин Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгаши ходимлари, фаолларимизда манманлик кайфияти, бир-бирини ажратиб йўқ, Боз устига, пойтахтда истиқомат қилаётган ёшлар, қолаверса, шаҳарлик «Камолот»чилар орасида ҳам вилоятлик ёшлар талайгина. Айтишим керак, уларнинг иштиёқ ва интилишлари жуда юқори. Бу бизнинг бир жамоа бўлиб ишлашимизга фақат ёрдам беради.

— Жамоангизга кадрларни танлашда қандай мезонларга таянасиз? (Дилрабо Раҳимова, Ҳаракатнинг Балиқчи тумани кенгаши етакчи мутахассиси)

— Биласиз, аввал Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши апаратида фаолият юритганман. 2010 йилдан бошлаб кенгашда кадрларни танлашда янгича ёндашув қўланиб келинмоқда. Яъни бу масалада фақат биринчи раҳбар ёки кадрлар бўлими бошлигининг эмас, балки ўша жамоадаги муассасиди ходимларнинг фикри инобатга олинди ва ишга олинаётган шахс билан суҳбат бевосита уларнинг иштирокида олиб борилади. Янги ходим дунёқарашининг кенглиги, тил билиши, қолаверса, мамлакатимиз ва жаҳондаги муҳим сиёсий жараёнлардан хабардорлиги уларни нечоғлик теран англай олишига асосий эътибор қаратилади. Мен ҳозирги иш тажрибамда ҳам ана шу мезонларга таянаман.

— «Камолот»нинг ёшлар орасидаги мавқени ошириш учун қандай йўлдан боришимиз лозим? Ҳаракатнинг қайси лойиҳаларини амалий жиҳатдан фойдаланиб ёшларга таъсири кўпроқ, деб ҳисоблайсиз? (Талабалар шарҳчасидан Хилола Нишонов)

— «Камолот» ташкиллаштириётган лойиҳаларнинг барчаси фойдалани. Эътибор берсангиз, улар орасида ёшларда бугунги кунимиздан шукроналик ҳиссини тарбиялашга қаратилганлари анчагина ва бундай лойиҳаларнинг таъсири ҳам кўпроқ, деб ўйлайман. Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгашида 1,5 йилдан ортиқ ишлаяпман. Борди-ю, мендан, шу вақт мобайнида ишга тузилган лойиҳалардан қайси бири энг самарали бўлди, деб сўрасангиз, «Сардорлар мактаби»ни айтаман. Чунки бу лойиҳа, образли қилиб айтганда, ёшларга балиқ бериб қорини туйғазмиш эмас, балки қармоқ бериб, балиқ тутишни ўргатади.

«Сардорлар мактаби»да мактаб ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари учун ўқувчилик ўқувлар ташкил этилиб, улар ҳам назарий, ҳам амалий билимлар билан қуроллантирилади. Энди бемалол айта оламани, агар ўтган йили «Камалак» болалар ташкилоти лойиҳаларини ўтказишда шаҳар ва туман кенгашлари ходимлари бош-қош бўлган бўлса, ҳозирги кунда бу вазифа ни «Сардорлар мактаби» битирувчилари уддалаяпти.

— Лекин юртимиздаги ёшлар фақат ўқувчилардан ташкил топмаган-ку. Талабалар, уюшмаган ёки иш излаб юрган ёшларнинг қизиқишлари қай даражада инобатга олинапти?

— Фикрингиз тўғри. Тан олиш керак, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида бутун дунёда ҳам бандлик масаласи янада долзарблашди. Инқироздан азият чеккан давлатлардагидек даражада бўлмаса ҳам, ҳарқалай, ҳозирча ахвол кўнгилдагидек эмас. Бир маълумотини айтман: 140 миллион аҳолиси бор Россия Федерациясида бу йил 640 минг нафардан зиёд ўқувчи ўрта-махсус таълим муассасаларини тамомлади. Ўзбекистондаги битирувчилар сони ҳам деярли шунча. Ваҳоланки, юртимизда ўттиз миллион киши истикомат қилади. Шунга қарамай, давлатимиз 540 минг нафар битирувчининг хар бирини иш билан таъминлаши керак. Шу ёшларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда «Камолот» тадбирларида йўналишда бир қанча лойиҳаларни амалга оширяпти. Аммо бу борадаги ишларни самарали ташкиллаштириш борасида камчиликларимиз йўқ эмас. Хусусан, бир ярим йилдан бунён ҳаракат қилиб Тошкент шаҳрида «Еш тадбиркор — юртга мададкор» ва «Менинг бизнес югам» талновларини ўзим хоҳлаган даражада ўтказишга эришдим, деб айтмайман. Сабаби, боғи нарса — пойтахт ёшлари аксарият ҳолларда қулайликлар, тайёр нарсаларга ўрганиб қолган. Шахсий ишчесини йўлга қўйиш учун эса киши ўқиб, изланиши керак. Ҳозирда махсус ўқув-семинарлар ташкил қилиш орқали ёшларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ундаямиз. Зеро, тадбиркорлик кўникмасига эга инсон ҳаётда қўқилмайди. У мутахассислиги бўйича бирорта ташкилот ёки идорада ишлаш туриб ҳам ўз бизнесини юритиши мумкин. Бу, биринчидан, ҳам ўзига, ҳам давлатга фойда. Иккинчидан, битта тадбиркорнинг орқасидан каммида 4-5 киши иш билан таъминланади. Шунинг учун ёш тадбиркорлар сафини кенгайтириш керак. Аммо ёшлар ҳам дуч келаётган муаммолар бор. Айрилари тадбиркор бўлишни хоҳлайди, лекин банқадан кредит олиш учун гаровга қўядиغان мол-мулк йўқ. Бу бўйича биз ишлаяпман. Борди-ю, мендан, шу вақт мобайнида ишга тузилган лойиҳалардан қайси бири энг самарали бўлди, деб сўрасангиз, «Сардорлар мактаби»ни айтаман. Чунки бу лойиҳа, образли қилиб айтганда, ёшларга балиқ бериб қорини туйғазмиш эмас, балки қармоқ бериб, балиқ тутишни ўргатади.

Блиц-саволлар:

- Қайси ҳолларда ёлгон гапирасиз?
- Ёлгондан тийилишга ҳаракат қиламан.
- Нимадан кўпроқ афсусланасиз?
- Инглиз тилини пухтароқ ўрганмаганимдан.
- Устун ҳахатингиз нимада?
- Ҳақиқатпарварлигим.
- Заиф томонингиз-чи?
- Ишонувчанлик.
- Ўқирган адабларингиздан учтасининг номини айтинг.
- Навоий, Марк Твен, Саид Аҳмад.
- Иш фаолиятида қайси китоб ёки асарга кўпроқ мурожаат қиласиз?
- Президентимизнинг «Оқсак маънавият — энгилмас куч» асарига.
- Охириги марта қайси баддий асарни мурожаат қилгансиз?
- Виктор Суворовнинг «Аквариум» асарини.
- Севимли композиторингиз ким?
- Классикларни жуда ёқтираман. Штраус вальсларини кўп эшитаман.
- Қайси тарихий шахслар билан замондош бўлишни хоҳлардингиз?
- Амир Темур билан.
- Инсонда қайси эзгу хислатни кўпроқ кадрлайсиз?
- Инсонпарварликни.
- Қайси камчилигини осон кеңирасиз?
- Ёшлик қилиб йўл қўйилган хатоларни.
- Нимани ҳеч қачон кечира олмайсиз?
- Ёлгонни.

— Маҳалладаги уюшмаган ёшларнинг ижтимоий фаолиятини ошириш учун қандай лойиҳаларни жорий этишни таклиф қиласиз? (Ҳаракатнинг Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот хизмати етакчи мутахассиси Шавкат Абдулазизов)

— Ижтимоий фаолият нима? Яна юқоридagi мазгуга қайтаман. Тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳам ижтимоий фаолиятнинг бир қириниши. Уйлашимча, маҳалладаги ёшларнинг ичига чуқурроқ кириб бориб, улар билан семинар-тренинглари ўтказиб, тадбиркорлик соҳасига жалб қилса ёки касб-ҳунар ўрганишига қўмақлашсақ, бу ёшлар ўзини албатта кўрсатади, юрт қорига ярайди. Барча ёмонлик ва иллатлар бекорчиликлдан келиб чиқади. Маҳаллада икки-учта уюшмаган ёш бекор қолдим, бирор қор-ҳолни бошлайди. Шу боис бундан вақти қилишига имкон туғдирмаслик керак. Бир неча йил олдин Тошкент шаҳридаги маҳаллаларда, асосан, кўп қаватли уйлар атрофида сунъий қопламали футбол майдонлари ташкил этила бошланди. Нимага уларнинг сонини кўпайтириш мумкин эмас? Шунда янаам кўпчиликда спорт билан мунтазам шуғулланиш имкони туғилади. Бизга энгил атлетика, волейбол ва бошқа шунга ўхшаш спорт турларига мослаштирилган махсус майдончалар ҳам керак. Ҳозир хар бир ёшнинг қўлида мобил телефон бор. Маҳаллаларда бепул интернет учун Wi-Fi ҳудудлари янги ташкил этишга нима халақит берапти? Ёшлар мобил интернетдан «WhatsApp» ёки «Telegram» каби ижтимоий тармоқлар эмас, айтиш мумкин ижобий ҳал қилишга доир тақрифларимизни шаҳар ҳокимига берганимиз. Умид қиламаник, бекорчи ёшларнинг фойдали машғулотлар билан шуғулланиши учун қанчалик имконият туғдирсақ, бекорчилик муаммоси шу қадар ижобий ечим топади.



— Бу учрашувда сиз кутган, лекин берилмаган савол борми?

— Ёшларнинг етакчиси сифатида келгуси режаларни тўғрисидаги саволни кутганим.

муаммо ёки қайсидир масала билан келиш-келмаслиги бошлангич ташкилот етакчисига ҳам боғлиқ, фавд етакчидан, албатта, кўпчилик ёрдам, маслаҳат сўрайди. Аммо олий ўқув юрти ректори ҳузурига киришга ҳайқадиган ва хатто кироқмайдиغان етакчиларимиз бор. Табиийки, улар талабанинг муаммосини ҳал қилиб беролмайди. Натижада ёшларнинг ташкилотга ишончи йўқолади.

— Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган бу йилги дастурда Тошкент шаҳрида «Республика ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» фаолиятини ташкил этиш юзасидан тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш белгиланган. Авваламбор, бу лойиҳанинг мақсади ҳақида маълумот берсангиз. Иккинчи саволим: нега «Республика ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» ҳалигача ишга тушмаган?

— Уҳ, худаям оғриқли нуқта бу. «Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари» биринчи очилаётганда гоёси, фикримча, тўри бўлган. Лекин ёшларнинг дунёқарashi, талаблари ўзгариб туради. Шу маънода бу йилги дастурга «Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари»ни янги мазмунда ташкил этиш гоёси кирипти. Шахсан ўзим бугунги кунда Тошкент шаҳридаги ЁИХМлар фаолиятдан умуман қониқмайман. Нега? Бундай марказларда ёшларга таълим берилади. Ҳар қандай таълим жараёни тизимлаштирилган бўлиши, ягона методика асосида олиб борилиши керак. Бизда бу билан айта оламан. Яна бир нарсани таъкидламоқчиман: «Ҳоким ва ёшлар» лойиҳаси ҳокимлар учун ҳам фойдали. Чунки атрофидаги мутахассислар доимо ҳам тўғри ва хоётандек, назаримда. Сиз бунга нима дейсиз? Тошкент шаҳрида ахвол қандай? (Ҳаракатнинг Дўстлик тумани кенгаши)

— Биласизми, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўша ҳудуд ёшлари билан мунтазам мулоқот олиб боришига эришганимизнинг натижаси катта натижа. Тўғри, илгари ҳам бундай учрашувлар бўлган, лекин «Ҳоким ва ёшлар» лойиҳаси ҳокимлар учун ҳам фойдали. Чунки атрофидаги мутахассислар доимо ҳам тўғри ва хоётандек, назаримда. Сиз бунга нима дейсиз? Тошкент шаҳрида ахвол қандай? (Ҳаракатнинг Дўстлик тумани кенгаши)

— Талабаларнинг муаммоларини ҳал қилишда Тошкент шаҳар «Камолот»нинг ўрни қандай? (Ҳаракатнинг Тошкент давлат иқтисодий университетини бошлангич ташкилоти етакчиси Азиз Амонов)

— Ёшлар бизга кўпроқ мурожаат қилишини хоҳлайман. Минг афсусларки, ҳозирча бундай эмас. Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгашига аксарият талабалар ё контракт тулашга қийналаётгани сабаб ёки агар бу инсоннинг шу кеча-кундуздаги муаммоларидан келиб чиққан ҳолда муайян мавзу белгиланиб, ўша учрашувларда ёшларнинг тегишли қатлами иш-тироқ этади, савол ва тақрифларини айтади. Масалан, бир неча бор керак. Ҳозир хар бир ёшнинг қўлида мобил телефон бор. Маҳаллаларда бепул интернет учун Wi-Fi ҳудудлари янги ташкил этишга нима халақит берапти? Ёшлар мобил интернетдан «WhatsApp» ёки «Telegram» каби ижтимоий тармоқлар эмас, айтиш мумкин ижобий ҳал қилишга доир тақрифларимизни шаҳар ҳокимига берганимиз. Умид қиламаник, бекорчи ёшларнинг фойдали машғулотлар билан шуғулланиши учун қанчалик имконият туғдирсақ, бекорчилик муаммоси шу қадар ижобий ечим топади.

ва компьютерга ихтисослашган тўғрақлар бирмунча кўп. Моддий таъминоти ҳам яхшироқ. Ёшларимизга ваъда бераманки, жорий йил якунига қадар «Республика ёшлар ижтимоий хизматлари маркази», албатта, дастурда кўзда тутилгандек тўлақонли ташкил этилади. Лекин бу марказ ишга тушиши билан, бошқа ЁИХМлар ҳеч қаерга йўқолмайди. Улар фаолиятини давом эттиради, фақат бироз бошқача тарзда. Республика маркази эса ёшларнинг эҳтиёжини ўрганиб, жойлардаги марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

— Пойтахтда вилоят ёки туман марказларидагидан кўра кўпроқ кўнгилочар масканлар, интернет клублар, кафе, ва рестороанлар жойлашган. Бояга етмаганларнинг шу жойларда дарс пайтида ҳамда тунги вақтда назоратсиз юришининг олдини олиш борасида қандай ижобий натижаларга эришилмоқда? (Ҳаракатнинг Чилонзор тумани кенгаши етакчи мутахассиси Алишер Ерматов)

